«МАҚУЛЛАНГАН»
Ўзбекистон Республикаси ҚваСХ
Вазирлиги Давлат ветеринария
Бош бошқармаси томонодан
9-август 2016 йилда.
ЎзР ҚваСХВ ДВББ қошидаги ИТК
04.08.2016 йилдаги № 72-сонли баённома.

ВЕТЕРИНАРИЯДА «МОНЕЗОЛ» ПРЕПАРАТИНИ ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ҚЎЛЛАНМА

1. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1.1 «Монезол» (Monezol) орал қўллаш учун суспензия бўлиб, таъсир этувчи восита сифатида 1 мл таркибида 2,0 мг ивермектин ва 40,0 мг празиквантел, шунингдек ёрдамчи моддалар (куюлтирувчилар, консервантлар, барқарорлаштирувчилар) мавжуд.
1.2 Препарат ташқи кўринишига кўра оқ рангдаги кулранг ёки сариқ рангда товланувчи бир жинсли суспензияни ифодалайди. Сақлаш давомида суспензияни, чайқатганда йўқолувчи, қатламларга ажралишига йўл қўйилади.
1.3 Препарат 100, 200, 250, 500 ва 1000 мл дан полимер идишларга қадоқланган ҳолда чиқарилади.
1.4 Препаратни эҳтиётлик билан (Б рўйхати бўйича) завод ўрамида, қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда, озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқа-емлардан алоҳида, +5°С дан +25°С гача ҳарорат сақланади. Сақлаш шароитларига риоя қилинган ҳолда препаратнинг яроқлик муддати ишлаб чиқарилган санасидан бошлаб 2 йил. Препаратни болалар кира олмайдиган жойларда сақлаш керак.

2. ФАРМАКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1 «Монезол» қишлоқ хўжалик ҳайвонларида паразитлик қилувчи ошқозон ичак йўли ва ўпка нематодлари, цестодларнинг имагинал ва личинкали ривожланиш фазаларига шунингдек қўйларнинг личинкали бўкалари ва цестодларига (Oestrus ovis) кенг доирада антипаразитар таъсир кўрсатади.
2.2 Препаратнинг таркибига кирувчи ивермектининг таъсир қилиш механизми нематодлар ва бўка личинкаларининг мушак ҳамда нерв ҳужайралари мембраналари орқалихлор ионларининг киришига таъсир кўрсатиши билан боғлиқдир. Глутамат сезгир хлорли каналлар, шунингдек гаммааминоёғ кислотаси рецепторлари асосий мўлжал бўлиб ҳисобланади. Хлор ионларини кириш жараёнларининг ўзгариши импульслар ўтишини бузади, бу эса паразитнинг параличига ва ўлимига олиб келади.
2.3 Празиквантелнинг таъсир механизми нейромушак ганглиоблокаторларни дероляризацияси, глюкоза ташилишини ва цестодларнинг микротубуляр функциясини бузилишига асосланган бўлиб, параличка ва ўлимга олиб келади.
2.4 Празиквантел ва ивермектиннинг ҳайвонлар қон плазмасидаги максимал концентрацияси препарат переорал юборилгандан кейин 4-6 соатдан сўнг қайд қилинади. Монезол организмдан асосан ахлат ва сийдик билан, шунингдек сут берувчи ҳайвонларда сут билан чиқарилади.
2.5 Монезол суспензияси организмга таъсир этиш даражасига кўра ўрта хавфли моддаларга киради (3 синф хавфли ГОСТ 12.1.007-76 буйича 3 - синф хавфлилик),. Тавсия этилган дозаларда эмбриотоксик, тератоген ва сенсибилловчи таъсир кўрсатмайди. Балиқ ва асаларилар учун захарли.

3. ПРЕПАРАТНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ

3.1 «Монезол» йирик ва майда шохли молларга, чўчқалар ва қишлоқ хўжалик паррандаларига ошқозон-ичак йўли хамда ўпка цестодозлари, нематодозларида, шунингдек кўйларнинг эстрозида даволаш учун переорал бир мартта қўлланади.
3.2 «Монезол» йирик ва майда шохли моллар ошқозон-ичак йўли нематодозларида (гемонхоз, буностомоз, эзофагостомоз, нематодироз, остертагиоз, хабертиоз, кооперіоз, стронгилоидоз, трихостронгилез, трихоцефалёз, неоаскариоз) ***- ҳайвоннинг 20 кг тана вазнига 1 мл,*** ўпка нематодозларида (диктиокаулёз, протостронгилёз, мюллериоз, неостронгилез, цистокаулёз, метастронгилёз) ва ошқозон-ичак йўли цестодозаларида (монезиоз, авителлиноз, тизаниезиоз) ***ҳайвоннинг 10 кг тана вазнига 1 мл дозасида қўлланади.***
3.3 ***Қўйларга эстрозда, индивидуал препаратнинг дозаси 10 кг тана вазнига 1мл гача қупайтирадилар.***
3.4 ***Чўчқаларга,*** “Монезол” препаратини нематодозларда (аскаридоз, эзофагостомоз, стронгилоидоз, метастронгилез, трихоцефалёз) индивидуал ҳайвоннинг ***10 кг тана вазнига 0,7 мл дозасида қўлланади.***
3.5 ***Бройлер жўжаларга, тухумдор товуқ жўжаларига*** 16 хафталик ёшигача нематозларда (гангулетеракидоз, аскаридиоз, гетеракидоз) ва цестодозалар (дрепанидотениоз, гименолептидозлар, райетинозлар) индивидуал ёки гурухли усулда озуқа билан эрталабки озиқлантиришда ***2 кўн давомида 0,2 мл/кг парранда вазнига қўлланади.***
3.6 **Ножўя ҳолатлар.** Препарат ушбу қўлланмага мувофиқ қўлланилганда ҳайвонларда ножўя таъсирлар ва асоратлар одатда кузатилмайди.
Препарат қўлланилганда кейин йирик шохло моллар, қўйлар, эчкилар ва чўчқаларни гўштга сўйишга 28 кун ўтгандан сўнг, товуқларни 15 кун ўтгандан, сутни озиқ-овқат мақсадида ишлатишга, мувофиқ равишда, 3 ва 4 кун ўтгандан сўнг рухсат этилади. Белгиланган муддатлардан олдинги мажбурий сўйиш ҳолларда гўшт мўйнали ҳайвонларга озуқа сифатида ёки гўшт-суяк унини ишлаб чиқаришда ишлатилиши мумкин.
3.7 **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар.** Препаратни, ивермектинни тухумларда тўпланиши ва сут орқали чиқарилиши туфайли, тухуми озиқ-овқат мақсадида ишлатилувчи тухум қўйувчи товуқларга ва 16 хафталикдан катта ёшдаги товуқ жўжаларига, соғин, шунингдек буғоз сигир, қўй ва эчкиларга, туғишга камида 28 кун қолганда, ориқ, юқумли касалликлар билан касалланган ва соғаётган хайвонларга қўллаш таъқиқланади.
3.8 **Алоҳида кўрсатмалар.** Оммавий дегельминтизациядан олдин препаратнинг ҳар бир серияcини олдиндан ҳайвонларнинг кичик гуруҳида (5-10 бош) синовдан ўтказилади. 3 сутка ичида асоратлар бўлмаса, препарат барча ҳайвонларга берилади.

4. ШАХСИЙ ПРОФИЛАКТИКА ЧОРАЛАРИ

Монезол билан ишлаганда дори воситалари билан ишлашда кўзда тутилган, умумий шахсий гигиена ва техника хавфсизлик қойидаларига риоя этиши керак. Препаратдан бўшаган идишни маиший мақсадида ишлатиш ман этилади, идишни маиший чиқиндилари билан утилизация қилишади. Яроқлилик муддати тугаган сўнг препаратни қўллаш ман этилади.

5. ЭЪТИРОЗЛАРНИ БИЛДИРИШ ТАРТИБИ

5.1 Ишлов берилган ҳайвонларда асоратлар пайдо бўлган ва препаратнинг таъсири ушбу қўлланма талабларига мувофиқ келмаган ҳолларда уни қўллаш тўхтатилади, бу ҳқида Ўзбекистон ветеринария препаратлари давлат илмий-назорат лабораториясига (ЎзДИНЛ) қуйидаги манзил бўйича ҳабар берилади: 100178, Тошкент ш., Қора-қамиш кўчаси, 1а. Тел./факс: 228-76-14, 229-3047. E-mail: vpinl@qsxv.uz. Шу билан биргаликда лаборатория манзилига, тегишли очилмаган препарат ўрамлари ва препаратнинг қўлланмага номувофиқлик тавсифи батафсил баён этилган хат жўнатилади.

Ishlab chiqaruvchi:
O'zbekiston-Buyuk Britaniya-Rossiya Qo'shma Korxonasi
«O'ZBIOKOMBINAT» MChJ
140532, O'zbekiston Respublikasi,
Samarqand viloyati, Pastdarg'om tumani,
«Namuna» QFY, O'rta - Charxin mahallasi,
Tel: +998 (95) 500 8161
Sotuv bo'limi: +998 (95) 509 0500
www.biokombinat.uz
info@biokombinat.uz

TS 00483044-52:2016

biveco®
biveco.com